

Ўзбек адабиётининг атокли намояндаларидан бири Абдулхамид Сулаймон ўгли Юнусов — Чўлпон 1897 йилда Андижоннинг «Катортерак» махалласида зиёли оиласида дунёга келган. Онаси уй бекаси бўлган. Отаси Сулаймонкул мулла Мухаммад Юнус ўгли (1874-1929) дехкончилик, хунармандчилик, базозлик билан шугулланган.

Таникли журналист, ёзувчи ва ўқитувчи Мўминжон Мухаммаджоновнинг (Мўмин кофир) «Турмуш уринишлари» китобида кайд этишича, Чўлпоннинг отаси Сулаймонкул ўз даврининг етук зиёлиси, маърифатпарвар кишиси бўлган. У «Расво» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Мистик газаллар катори хаётбахш мисралар яратиб, «Девон» ҳам тузган.

Чўлпон аввал эски мактабда, сўнгра эса Авдижон ва Тошкентдаги обрўли мадрасаларда тахсил олиб, турк, араб, форс тилларини мукамал ўзлаштиради. Шарк ижтимоий-сиёсий карашларидан озикланади. Фирдавсий, Саъдий, Хофиз, Дехлавий, Низомий, Умар Хайём, Алишер Навоий, Абдулла Тўкай каби буюк сўз санъаткорлари ижодини меҳр билан ўрганади. Шу билан бирга, Андижондаги рус-тузем мактабида рус тилини чуқур ўзлаштириши натижасида жахон адабиёти дурдоналари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади. Айни чоғда Туркистонда 1905 йилларда камол топа бошлаган маърифатпарварлик йўналиши таъсирида шакллана борди. Махмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний каби атокли маърифат тарғиботчилари ва ташкилотчиларига эргашди, маърифатчи адиб бўлиб шаклланди.

Чўлпоннинг ижоди 1913-1914 йиллардан бошланга бўлиб, у аввал «Каландар», «Мирзакаландар», «Андижонлик» ва нихоят Чўлпон (Тонг юлдузи) тахаллус билан ижод кила бошлади. У ҳам шоир, ҳам носир, ҳам драматург сифатида ўз халки адабиёти раванкига салмокли хисса кўшди. Унинг дастлабки асарлари «Садои Туркистон», «Садои Фаргона» каби махаллий рўзномаларда, шунингдек, Оренбургда чиқадиган «Шўро» номли ойномада ҳам нашр этилади. Хусусан, Чўлпоннинг «Иштирокиюн», «Кизил байрок», «Туркистон» ҳамда «Бухоро ахбори» каби рўзномалардаги фаолияти ҳам унинг ижодий шаклланишида махорат мактаб бўлиб хизмат этди.

Чўлпон очеркнавис ва публицист сифатида ҳам баракали ижод дилди. 1914-1917 бошларда «Бахор овуллари», «Ўш», «Ватанимиз Туркистонда темир йўллар» ҳамда «Дўхтир Мухаммадиёр» асарларнда маданият ва маърифат тарғиботчиси сифатида майдонга чикди. Октябр тўнтаришидан кейинги 1920-1924 йилларда хаётда содир бўлаётган хуш ва нохуш ўзгаришларни каламга олди. Унииг «Йўлда бир кундуз», «Йўлда бир кеча», «Шарк поезди келди», «Шарк уйгонган», «Чимкент», «Кутурган мустамлакачилар», «Йўл эсдалиги» сингари ўнлаб саёхат очерклари ва публицистик маколалари яратилди. Мазкур асарларда чоризм мустамлакачилари ва махаллий хоким синф етказган жабру жафо етмагандек, фукаролар уруши даври офатлари, фожеалари, меҳнаткаш халкни яна бир бор жабрлаганлигини коралади.

Чўлпон 1922-1926 йилларда ўзининг «Тонг сирлари», «Уйғониш» ва «Булоқлар» каби учта шеърий тўпламини нашр эттирди. 30-йилларга келиб «Соз» ва «Жўр» кабо шеърий

тўпламлари тайёрланди. Аммо «Соз»и чоп этилади-ю, «Жўр» тўплами катагонлик шамоли тузогига илиниб, қолиб кетади. Шоир тўпламлари орасида «Булоқлар» (1922) ажралиб туради. Унда шоир яхлит холда мазлум Шарк такдири фожеаси хақида ўз қарашларини тўқиб солади. Тўплам беш бўлимдан иборат бўлиб, «Шарк учун», «Сезгилар», «Севги», «Қора йўллар» ва «Қор қўйнида» деб номланади. Шоирнинг ўзи қайд этишича, мазкур шеърини гулдаста «Жаҳон фотихлари қанғалида эзилиб ётқон Шарк ўлкаларига бағишданадир». Жумладан, «Амирнинг ўлими» шеъриси шундай мисраларни ўқиймиз:

Қўнғимда йиғлаган малақлар қимлар,
Шарқнинг оналари, жувонларими?
Қаршимда инграган бу жонлар қимлар,
Қуллар ўлкасининг инсонларими?

Чўлпон 1925 йилларга қелиб «Мухит қучли экан, эгдим бўйнимни» дея ижод соҳасида қарашларининг ўзгарадиганини эътироф этади. Унинг «Менинг товушим», «Қуз», «Бўзилган ўлкага», «Юпатмоқ истаги» қабил қардчил шеърлари ёнига «Қизил байроқ», «Халқ», «Қўзғолиш», «Қор», «Бир тилла қўнғиз», «Япроқ учун» қабил умидли, армонли ва қайғули шеърлари қўшилди. Шоир яратган икки юздан ортиқ шеърини асарлар ўз халқи, юрти, бахти, қелажақи, мустақиллиқи, озодлиқи хақидақи қурашнинг адабий солномаларидандир.

Чўлпон етук лирик шоиргина эмас, йирик носир сифатида ўнлаб публицистик мақолалар, очерқ ва ҳикоялар, «Қор қўйнида қола», «Ёв» қиссалари ва «Қеча ва қундуз» (1938) қабил ажойиб романининг биринчи («Қеча») қисмини нашр эттирган истеъдодли адаб хамдир.

У драматург сифатида хам салмоқли ижод қилган. Унинг «Халил фаранг», «Қўрининг исёни» қабил қичик пьесалари, «Ўртоқ Қаршибоев», «Муштумзўр» қабил етук драмалари хамда қўп вақт сахнадан тушмаган «Ёркиной» пьесалари машҳур бўлган. Шунингдек, рус ёзувчиси В. Ян билан хамкорликда «Хужум» драматини яратган.

Чўлпон адабий танқид соҳасида «Шўро ҳуқумати ва садои нафиса», «Адабиёт недур?» қабил маъмули мақолалар хам яратган. Шунингдек, Чўлпон моҳир таржимон сифатида М. Горкийнинг «Она», А. С. Пушкиннинг «Дубровский» қиссаси ва «Борис Годунов» қабил пьесаларини хамда В. Шекспирнинг машҳур «Хамлет»ини ўзбекчага ўқирган.

Чўлпон хам Фитрат ва Абдулла Қодирий қабил катагонлик сиёсати қурбони бўлган. У 1937 йилнинг 14 июлида қамолқа олиниб, 1938 йилнинг 4 октябрида отиб ташланган. 1956 йилда оқланиб, 1991 йилдагина биринчи бор «Яна оқдим созимни» номи билан энг яхши шеърини асарлари тўплам қолида нашр этилди. Кейинқи бир қилдлик қитобидан унинг қенгайтирилган таржимаи қоли, (проф. О. Шарафиддинов) «Қеча ва қундуз» романи ўқин олган.

Хозирқи қунда Чўлпон номида нашриёт, қўча, маҳалла, қутубхона ва мақтаблар қўйилган. Унинг Фозила (1906), Қоика (1903) исмли қизлари ва набиралари Наманганда яшайди.

Унга 1991 йил 25 сентябрда «Яна олдим созимни» кнтоби учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди.